



Маҳалла — манзилли ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАСКАНИ

ЎзХДП: электорат манфаати

■ Жамиятимизда маҳалла институтининг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораёпти. Мавжуд сиёсий партиялар аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришда бу институтнинг имконияти катта. Шу боис, Халқ демократик партияси электорат манфаати йўлидаги вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиломоқда.



2-бет

2010 йил — Баркамол авлод йили

АҲОЛИНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, баркамол авлодни вояга етказишда оилавий поликлиникалар муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мазкур бирламчи тиббиёт муассасаларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Баҳс-мунозара

■ Партия аъзоларига кирмоқчи бўлган аксарият ёшлар дастлаб «Партиядан менга қандай манфаат бор?» деган саволни беришади. Албатта, саволнинг бундай тарзда қўйилиши партиянинг жамиятдаги вазифасини тўғри тушунмасликдан келиб чиқади.

Партия аъзосининг бурчи

Демак, аввало, партиямиз мақсадларини кўпроқ тарғибот қилишимиз лозим. Шунингдек, ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги ҳар бир ишчимиз таъсирчан бўлиши лозим.

Ўз навбатида партия аъзоси умумий ва баландпарвоз гаплардан қочиши, танқидий мулоҳазани дастлаб ўзидан бошлаши жоиз. Натижада фикрлар янада жонли, энг муҳими, самарали бўлади.

«Мен ўзим аъзо бўлган партия ташкилоти фаолияти юзасидан айни пайтда қандай янги таклиф, янги ташаббус билан чиқа оламан?» Ҳар бир аъзо ана шу саволни дастлаб ўзига бериши зарур.

Тан олиш керак, айрим партия ташкилотларидаги йиғилишларда сўзга чиқувчилар, муносабат билдирувчилар олдиндан белгилаб қўйилмоқда. Бу самарасиз усул. Бугун замон ўзгарди. Энди жамият равнақи фуқароларнинг илғор фикри ва муносабатига, ташаббусига таянади. Шундай экан, партия аъзоси қайси соҳада ишлаши, мутахассислигидан қатъи назар, ўзи мансуб партия ҳаётида фаол аралашши, партия ташкилоти ишини жонлантириш учун ўз фикр ва таклифларига эга бўлиши, уни дадил айтиши ҳамда ҳимоя қилиши зарур.

Дунёда ва мамлакатимизда кечаётган ижтимоий, сиёсий жараёнларни доимий равишда кузатиб бориш, шу билан бирга, таҳлил қилиш кўникмасини ҳар бир аъзо дастлаб ўзида шакллантириши лозим. Чунки сиёсий фаоллик бугунги воқеа-ҳодисалардан етарли хабардор бўлишдан бошланади.

Яна бир масала устида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бу партия аъзоларига ўтиш истагини билдирганларни танлаш ва уларни ўрганиш. Партиямиз дастуридан яхши хабардор, сиёсий куч сафига қўшилишининг масъулиятини етарли англаган, ўз мустақил фикрига эга кишиларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. — деб ўйлайман.

Партияга нима мақсадда ўтаётганини яхши англаган, ўзи танлаган сиёсий кучнинг гоёларига эътиқодли сафдошларимиз қанча кўпайса, белгиланган вазифаларимизни амалга ошириш шунча самарали бўлади. Ҳар бир партия аъзосидан электорат манфаатини ҳимоя қилиш борасида ўз фикрига, таклифига эга бўлиш талаб этилади.

Солижон БОЙМАТОВ,
Янгийўл шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари номоди,
доцент.

Муносабат

■ Ўқитувчи ва мураббийлар байрами Баркамол авлод йилида ўзига хос шукуҳ билан нишонланди. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Бу биз ўқитувчилар қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди.

Баркамол авлод тарбиясига эътибор



Айниқса, Президентимизнинг устоз ва мураббийларга йўллаган табригидаги таълим ва тарбия соҳасидаги изчил ислохотларнинг самарадорлиги, энг аввало, ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнатига таяниши ҳақидаги фикри барчамизни тўлқинлантириб юборди. Зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Чиндан ҳам, бугун ўқитувчимиз қандай сабоқ бераркан, қандай

йўл кўрсатаркан, деб нигоҳ тикиб турган мурғак қалб эртага шу юртнинг тақдирини ҳал қиладиган кучга айланади. Шундай экан, ёшларнинг Ватан равнақида хизмат қиладиган ажойиб инсонлар этиб тарбиялаш, уларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш масъулиятни вазифа. Биз таълим билан боғлиқ илғор тажрибаларни доимий ўрганиб, таҳлил қилиб боришимиз, энг яхши ва замонавий педагогик технологияларни таълим тизимига жорий этишимиз лозим. Чунки ҳар жиҳатдан етук кадрларни тайёрлаш доимий изланиш ва тажриба орттиришни тақозо этади.

Агар биз таълим-тарбия орқали ёшларимиз онгига «Мен шу юртнинг фуқаросиман. Унинг эртаси қандай бўлиши менинг билимим, салоҳиятим, меҳнатим ва эътиқодимга боғлиқ», деган соғлом дунёқарашни мустаҳ-

камласак, ўйлайманки, мамлакатимиз келажаги янада нурли бўлади.

Ўтган йили бўлиб ўтган сайловда ҳамюртларим менга ишонч билдириб, халқ депутатлари Данғара туман Кенгашига депутат этиб сайлашди. Ўтган вақт ичида шунинг англаб етдимки, жамиятимизда фуқаролар фаоллиги ошиб бормоқда. Бугун олис қишлоқ одамлари ҳам қисмати Ватан тақдирини билан мустаҳкам боғлиқ эканини ҳис қилиб ашамоқда.

Менимча, депутат мамлакатимизда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғи зарур. Президентимиз табригида билдирган фикрлар, илгари сурилган гоёлар рўйбега чиқиши ҳар биримиздан сизидилдан меҳнат қилишни талаб этади.

Одинахон ДАВРОНОВА,
Фарғона вилояти Данғара туманидаги 28-мактаб директори,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати,
ЎзХДП депутатлик ғуруҳи аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЯМАТИ

1 Австралия доллари	1571,69	1 Миср фунти	284,95	1 СДР	2527,70	10 Жанубий Корея вони	14,43
1 Англия фунт стерлинги	2562,84	1 Канада доллари	1592,18	1 Туркия лираси	1127,08	10 Япония иенаси	194,12
1 БАА дирхами	441,53	1 Хитой юани	242,42	1 Швейцария франки	1659,65	1 Россия рубли	53,15
1 АҚШ доллари	1621,64	1 Малайзия рингити	525,74	1 Евро	2194,69	1 Украина гривнас	205,01

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Эътироф

■ Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида хорижлик экспертлар муносабат билдиришда давом этмоқда.

«ОҚИЛОНА СИЁСАТ МАҲСУЛИ»

Хумин ТЯО,

«Синхуа» ахборот агентлиги шарҳловчиси (Хитой):

— Марказий Осиёда фақат Ўзбекистонгина аҳолига ялпи ва сифатли хизмат қилувчи соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришга кенг эътибор қаратмоқда. Бу борада қатор ижобий натижаларга эришмоқда. Минтақа экологик жиҳатдан оғир юкумли касалликлар тез тарқалувчи ҳудудга кирди. Бироқ Ўзбекистонда олиб борилаётган тиббий ислохотлар туфайли мамлакатда

юкумли оғир касалликлар тарқалишининг вақтида олди олинаёпти. Қисқа давр ичида, Ўзбекистон раҳбари саммитда таъкидлаганидек оналар ўлим даражаси икки баравар, болалар ўлими эса уч бараварга камайди. Осиёда ўртача умр кўриш ёши 68 булгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 73 ёшга етди. Ишончим комилки, бу ижобий кўрсаткичлар давом этади.

Александр ФИШЕР,

Иқтисодий тадқиқотлар институти бошқарувчи директори (Германия):

— Президент Ислам Каримов БМТ саммитида «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмам» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш қўраётганини таъкидлади. Шу тамойилга асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўларок, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатда хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилганлигини ўзининг ижобий самарасини бермоқда. «Навий» эркин-индустриал иқтисодий зонасида ишбилармонлар, жумладан, хориж бизнес одамлари учун яратилган қулай шароит, берилган кенг имконият ва имтиёзлар бунинг далилидир.

Скарлет ЧАМБЕРЛИ,

Буёқ Британия Бош вазири матбуот хизмати етакчиси:

— Президент Ислам Каримовнинг БМТ саммитидаги нутқи залда ўтирган арбоблар қатори биз қузатувчиларда ҳам чуқур таассурот қолдирди. Айниқса, таълим соҳасида эришган ютуқлари билан Ўзбекистон фахрланса арзийди. Мамлакатда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ЯИМнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳозир жаҳонда санокчи давлат ўқув-тарбия иш-

лариға бу қадар катта маблағ ажратмоқда. Бу эътибор исзис кетмайди, албатта. Юксак салоҳиятли кадрлар бир кун келиб, Ўзбекистоннинг таянчига айланади.

Ўзбекистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ишончли шерик. Буни сўнги пайтларда Ўзбекистон билан имзоланган қатор ҳамкорлик ҳужжатлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Жимал ХАЛИЛИ,

«Гардиан» газетасининг Марказий Осиё бўйича мутахассиси (Буёқ Британия):

— Ўзбекистон Марказий Осиёда энг аҳолиси кўп, одамлар зич яшайдиган давлат. Бу ерда бошқа мамлакатларга нисбатан ақлий ва маданий потенциал юқори кўрсаткични ташкил этади. Мамлакатда олиб борилаётган оқилонна сиёсат туфайли Ўзбекистон дунё молиявий-иқтисодий

инкирозидан жабр кўрмади. Ялпи ички маҳсулот ҳажми эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, Президент Ислам Каримов таъкидлаган, давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 10 фоизидан ошмаслиги эътиборга молик. Бу Ўзбекистоннинг энг катта ютуғидир.

Кеон Ву ЛИ,

Кюнг Хи университети профессори (Жанубий Корея):

— Ислам Каримовнинг саммитдаги нутқини диққат-эътибор билан тингладик. Бугун кўплаб мамлакатлар иқтисодиётида юзага келган муаммолар Ўзбекистон бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб тўғри иш қилганини, тараққиётнинг «Ўзбек модели» жуда ҳаётий эканини яна бир бор кўрсатди.

Ўзбекистон ўтган қисқа вақт ичида барча соҳада жуда катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон банк-молия, инфра-тузилма, сармоя ва сайёҳлик соҳаларида улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга. Бу борада кўлга киритилаётган улкан ютуқлар Президент Ислам Каримов юритаётган оқилонна сиёсат маҳсулидир.

Хориж манбалари асосида Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

ОБҲАВО 05-06.10. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 26°C	☀️ 30°C
Самарқанд	☀️ 25°C	☀️ 26°C
Нукус	☀️ 23°C	☀️ 26°C
Қарши	☀️ 26°C	☀️ 28°C
Ургач	☀️ 24°C	☀️ 28°C
Навий	☀️ 25°C	☀️ 27°C
Фарғона	☀️ 24°C	☀️ 28°C
Бухоро	☀️ 26°C	☀️ 28°C
Андижон	☀️ 25°C	☀️ 28°C
Наманган	☀️ 25°C	☀️ 28°C
Термиз	☀️ 26°C	☀️ 30°C
Жиззах	☀️ 25°C	☀️ 26°C
Гулистон	☀️ 25°C	☀️ 26°C
Тошкент вил.	☀️ 25°C	☀️ 26°C
Лондон	☁️ 15°C	☁️ 16°C
Париж	☁️ 18°C	☁️ 19°C
Москва	☁️ 8°C	☁️ 9°C
Мадрид	☁️ 18°C	☁️ 19°C
Пекин	☁️ 20°C	☁️ 23°C
Гонгконг	☁️ 22°C	☁️ 26°C
Рим	☁️ 20°C	☁️ 23°C
Анкара	☁️ 21°C	☁️ 25°C
Токио	☁️ 18°C	☁️ 22°C
Стокгольм	☁️ 9°C	☁️ 10°C
Кейптаун	☁️ 19°C	☁️ 19°C
Қоҳира	☁️ 19°C	☁️ 18°C
Гавана	☁️ 30°C	☁️ 32°C
Вашингтон	☁️ 26°C	☁️ 28°C

Ўзбекистон ҳаво yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон халқ артисти Галия ИЗМАЙЛОВА



мактаб яратди. Унинг ижросидаги Шарқ ва Ғарб халқларининг машҳур хореографик асарлари нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларида ҳам катта шuhrат қозонди.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АРИПОВ, А.ЖАББОРОВ, Г.ҲАМРОЕВА

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудодликка учради. Ўзбек балет ва рақс санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Галия Баязитовна Измайлова 87 ёшида вафот этди.

Г.Измайлова 1923 йилнинг 12 феврал куни таваллуд топди. Дастлаб Тошкент балет мактабини, сўнгра Тошкент давлат санъат институтини тамомлади. 1941 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида балет солисти сифатида иш бошлаб, ярим асрдан зиёд вақт давомида ушбу театрда балет-мейстер, бош балетмейстер лавозимида самарали фаолият олиб борди ҳамда ўзбек опера ва балет санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Замонавий рақс санъатининг ёрқин намояндalarидан бири бўлган Г.Измайлова миллий ва европа мумтоз санъати аъёнalarини пухта эгаллаб, ноёб истеъдоди, юксак ижрочилик маҳорати билан ўзига хос ижодий

«Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Кармен», «Корсар», «Раймонда» сингари миллий ва жаҳон классик асарлари ўзбек маданияти ва санъати заҳинасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Г.Измайлова меҳрибон ва жонқуяр устоз сифатида унлаб иқтидорли ёшларга мураббийлик қилиб, уларга рақс санъати сирларини сидқидилдан ўргатди.

Атоқли санъаткорнинг миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, Давлат мукофоти ҳамда «Меҳнат шuhrати», «Дўстлик» ордени ва «Шuhrат» медаллари билан тақдирланган эди.

Таникли санъаткор, меҳрибон устоз Галия Измайлованинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Электрон ҳужжат алмашинуви: Тезкор, қулай, замонавий

Айни кунларда инсоннинг яқин кўмакчисига айланган ахборот технологиялари ҳаётимизга тобора чуқуროқ кириб бораётгани кувонарлидир. Бу эса барча тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Компьютер, интернет, электрон ҳужжат алмашинуви каби воситалар — буларнинг барчаси иш жараёни қулайлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим манбалар ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, вақт ва маблағ тежашнинг энг тезкор ва қулай воситаси бўлган электрон ҳужжат алмашинуви ҳам вилоятимиз солиқчилари фаолиятида мустаҳкам ўрин эгаллаётди.

Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг 31 август ҳолатига вилоятимизда 8707 та электрон рақамли имзолар мавжуд бўлиб, йил бошидан буён қарий 23 мингта ҳисобот электрон тартибда тақдим этилган. Биргина ўтган август ойида вилоят миқёсида 1212 та корхонанинг электрон тартибда ҳисобот топшириши режалаштирилган бўлса, амалда бу кўрсаткич 1335 тани ташкил этгани соҳа тараққиётидан далolat, албатта. Бундан ташқари, йил бошидан буён 8082 та корхонанинг ўз ҳисоботларини Интернет тармоғи орқали топширишига эришилган.

Аммо жараёнда ютуқлар баробарида баъзи камчилик ва нуқсонлар учрашдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун, биринчи ярим йилликда 953 та корхона томонидан ҳисоботлар белгиланган муддатда тақдим этилмагани учун уларга ёзма талабномалар берилган. Ва шу асосда 448 та ҳўжалик субъектининг 513 нафар мансабдор шахслари маъмурий жаримага, иккита корхона молиявий жаримага тортилган. Ўз навбатида Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан олти ой мобайнида 18 мингдан ортиқроқ юридик шахсининг ҳисоботи

бўйича камерал текшириш ўтказилиб, уларнинг 28 фоизиди камчиликлар аниқланган. Бу камчиликларнинг аксарияти рекевизитларни нотўғри тўлдирish ёки тўлиқ тўлдирмаслик ҳолатлари билан боғлиқ. Шунингдек, кўп ҳолларда бундай нуқсонлар бўйича бюджет ва мақсадли жамғармаларга солиқ ҳамда мажбурий ажратмалар — қўшимча манбалар аниқланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хусусан, Риштон туман ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган камерал назорат натижасида «Қишлоқ ҳўжалиқимиз» АЖ туман бўлимида солиққа тортиладиган манбаларни тўлиқ кўрсатилмаслиги бўйича бюджетга 14213,0 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, ундириб олинди. Бувайда туман ДСИ ходимлари эса «Кўнғирот техника МТБ» корхонасида солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши натижасида бюджетга солиқ ва тўловлар, пенсия жамғармасига ажратмалар бўйича 18500,0 минг сўм қўшимча ҳисоблашларига тўғри келди. Умуман айтганда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Фарғона вилояти солиқ идоралари ходимлари томонидан Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан қўшимча аниқланган 2397 та корхонанинг 9161,7 млн. сўмлик тўловлари юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар даярли ундириб олинishiга эришилди.

Бундан буён фаолиятимизга замонавий ва илгор ютуқларни янада кенгроқ жорий эта олсак, бу каби қонун бузилиши ҳолатлари камроқ бўлиши шўбасиз. Шундан келиб чиқиб, вилоятимиз солиқ тизимида ахборот технологияларини кенг қўлланади қўллаш юзасидан қатор истиқболли режалар белгиланганки, уларнинг ижросини изчил таъминлаш барча қатламдаги солиқ тўловчилари фаолиятини тартибга солади, энгиллаштиради, соҳа ривожига хизмат қилади.

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Фарғона вилоят ДСБ ахборот хизмати бошлиғи.

Йилнинг энг яхши педагоги

Мамлакатимизда бир неча йиллардан бери таълим соҳасидаги илгор, изланувчан, ишга ижодий ёндашувчи ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилувчи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиб келинаётган эди. Жорий йилда Халқ таълими вазирлиги таъаббуси билан унинг нуфузини янада ошириш мақсадида юртимизда биринчи марта «Йилнинг энг яхши педагоги» республика кўрик-танлови ташкил қилинди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган дастлабки танловда Яққасарой тумани 118-умумтаълим мактаби директори, «Меҳнат шuhrати» ордени соҳиби Бибисора Ҳасанова голиб деб топилди. Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган байрам тадбирида унга ушбу мукофот тантанали равишда топширилди.

— Аввало, сизни касб байрамингиз ҳамда «Йилнинг энг яхши педагоги» кўрик-танловидagi муваффақият билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Бу байрам юртимизда ўқитувчиларнинг меҳнати юксак даражада қадрланаётганидан, эътироф этилаётганидан далolatдир. Президентимизнинг байрам муносабати билан йўллаган табриғидagi «Муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз» деган сўзлари юртимиздаги ҳар бир ўқитувчи ва мураббийга қайратга қайрат қўшади.

Кўрик-танлов ҳақида гапирадиган бўлсам, «Йил педагоги» мен кўлга киритган дастлабки соҳибин эмас. Бундан ўн икки йил аввал, яъни 1998 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика танловининг «Бунёдкор ўқитувчи» номинациясида биринчи ўринни олганман. 2005 йилдан бошлаб бу тартиб ўзгарди. Кўрик-танлов алоҳида фан йўналишларида ўтказиладиган бўлди. Унинг номи «Йилнинг энг яхши фан

Муаллимлик мартабаси

«Йилнинг энг яхши педагоги» кўрик-танловида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деб ўзгартирилди. Бу йилдан ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши педагоги» кўрик-танловида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» беллашувиди 1-ўринни эгаллаган 14 нафар ўқитувчи мутлақ голиб ўқитувчи учун кураш олиб борди. Танлов шартларига кўра ўқитувчи ўзининг синфига психологик тавсифнома ёзиши ва унга баҳо бериши, беш дақиқа мобайнида ўз педагогик тажрибасининг шаклланиш йўллари, дарс бериш маҳоратини саҳнада намойиш этиши, шунингдек, ҳайъат аъзоларининг бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги саволларига жавоб бериши лозим эди. 1-2-турдан сўнг ўн тўрт ўқитувчидан 30 баллдан юқори натижа қайд этган олти нафаримиз кейинги 3-4-босқичларда курашни давом эттирдик. Ишонасизми, 3-турдаги иштирокимни тугатганимдан сўнг, ҳали натижалар эълон қилиниб улгурмасдан 40 нафар ёш мусиқчилардан иборат оркестр шу қадр мени олқишладики, ўша лаҳзаларда кўзларимда беихтиёр ёш қалқиди.

— Нима учун айнан мана шундай машаққатли, шу билан бирга шарафли касбини танлагансиз?

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда фаол жамоатчи эдим. Ўқитувчи бўлиш истағи ҳам ўша бегубор болаликнинг ҳаёлий орузи сифатида уйғонган. 9-синфда бизга тарих фанидан Бону Қодирова дарс берарди. Унинг фанини жуда яхши билиши, юқори педагогик маҳорати барчамизни ҳайратга соларди. Назаримда Бону опа

гапирадиган бўлсам, Мустақиллик йилларида нашр этилаётган ўқув қўлланмалар ўқувчиларни кўпроқ эркин фикрлашга ўргатади. Уларни дарс жараёнида янада фаолроқ бўлишга ундайди. Тарих фанига оид бугунги дарсликларнинг қулайлиги шундаки, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи бир-бирига уйғун равишда даврлаштирилган. Бу эса уларга юртимиз ва жаҳон тарихини бир вақтнинг ўзида қиёсий ўрганиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда дарсликларимиз анчагина мудараммалашган. Бироқ уларда эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим камчиликлар ҳам бор...

таълим даргоҳи ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— Бу ерга 1999 йилда келганман. Ўша пайтларда у Яққасарой туманидаги 16 та мактаб орасида барча кўрсаткичлар бўйича 7-ўринда эди. 2000-2001 ўқув мавсумида мактабимиз энг яхши учта таълим муассасалари қаторида эътироф этилган бўлса, 2009-2010 ўқув йили якунлари бўйича 18 та йўналишда 147 балл тўплаб, туманда биринчи ўринни эгаллади. Бу бугун мактаб жамоаси меҳнатининг махсули албатта. Бундан ташқари, жорий йилда 7 нафар ўқувчимиз турли фан олимпиадаларида голиб бўлди. Ҳўқуқ фанидан анъанавий тарз-



Ўз соҳамдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсам, мустақиллик йилларида нашр этилаётган ўқув қўлланмалар ўқувчиларни кўпроқ эркин фикрлашга ўргатади. Уларни дарс жараёнида янада фаолроқ бўлишга ундайди.

дундаги энг ақлли, энг билимли ўқитувчи эди. Мен ўша инсонга ҳавас қилиб, 1980 йилда ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомладим. Мана 25 йилдан бери ўқувчиларга тарих фанидан дарс бериб келаман.

— Мутахассис сифатида айтилган, бундан кўра мактаб ўқувчилари учун чоп этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар Давлат таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадими?

— Ўз соҳамдан келиб чиқиб

Шу ўринда яна бир гап. Таълим муассасаларида иҳора тизими жорий қилинди. Бунинг афзаллиги томони шундаки, эндиликда дарсликлар маълум муддат ўтга қўйилмади. Чунки, улар 1-синфда ҳар йили, 2-4-синфларда ҳар икки йилда, 5-9-синфларда эса ҳар тўрт йилда ўз ўрнини бошқасига, янада мукамалроқ, ўқувчилар учун қулай бўлган нашрга бушатади. Чунки ҳар бир янги дарслик чоп этилишидан аввал, тажрибали ўқитувчи ва соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикри ўрганилади.

— Узингиз бошқараётган

да ўтказиладиган «Сиз қонунни билсангизми?» танловида ҳам бизнинг ўқувчиларимиз бир неча йиллардан бери бош соҳибини ҳеч кимга бермай келмоқда.


Мактабимиз 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб инглиз тилига ихтисослашган бўлса, 2008-2009 ўқув йилидан тарих чуқур ўргатиладиган мактаб деган мақомга ҳам эга бўлди. Ҳозирги кунда ун инглиз тили ва тарихга ихтисослаштирилган мактабга айлантириш ҳарақатидамыз.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Advertisement for 'DIKQATIGA!' (ДІҚҚАТИГА!) featuring legal and technical services. It includes contact information for 'UZARO ALOQADAĞI SHAHSLAR' and a table with columns for '2007-2009 йилларда' and '2015 йилда'.

Самарқанд вокзали чирой очмоқда

Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри қайтадан реконструкция қилиниб, кўҳна кентда ўнлаб замонавий маданий-маиший иншоотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари қад ростлапти. Шаҳарни реконструкция қилиш бош лойиҳасига кўра, Самарқанд темир йўл шохбекати биноси қайтадан таъмирланиб, унинг ҳудуди ободонлаштирилди.



Самарқандга келган меҳмонлар шаҳар ҳақидаги дастлабки таассуротларини унинг дарвозалари ҳисобланган темир йўл, автобус шохбекатлари, аэропорт орқали олишади-да. Вокзал ичида хароратни муътадиллаштириб турадиган совутич, лозим бўлганда иситиш

ускуналари ўрнатилганлиги, йўловчилар учун етарли шароит яратилганлиги барчани мамнун этмоқда.

— Лойиҳада белгиланган ишларнинг ҳаммаси ҳали ниҳоясига етмаган, — дейди темир йўл шохбекати ҳисобчиси Алижон Тағиев. — Айти кўнларда вокзал теваарак-атрофини кўкалам-зорлаштириш, хиббоннинг ўртасига ажойиб кўринишга эга бўлган фаввора барпо этиш ишлари олиб борила-япти. Шунингдек, поездларни қабул қилиш учун янада кенгроқ имконият яратилиши, перронларни таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етиб қолди. Буларнинг барчаси 2011 йили қатновий йўлга қўйилган Ташкент — Самарқанд тезкорар поезднинг ҳавфсиз ҳаракатланиши, йўловчиларга замонавий қўлайликлар яратиш бериш мақсадига барпо этилмоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Тўғриси, илгари темир йўл шохбекати қадим Самарқандга мос эмас эди. Бекат биноси кўриниши ва ундаги шароитлар ҳам талабга жавоб бермасди. Шу сабабли 2009 йилнинг май ойида Президентимизнинг ташаббуси билан Самарқанд темир йўл шохбекатини реконструкция қилиш ишлари бошланган эди, — дейди шохбекат бошлиғи Сергей Дадаев. — Бу ерда мамлакатимизнинг қарийб барча вилоятларидан уста-хунармандлар, қурувчи ва муҳандислар меҳнат қилишди. Инсоннинг кўли гул деб бежизга айтишмайди-да. Бугун вокзал кифоаси бу-

тунай ўзгарди, улугворлик касб этди. Бундан ташқари, шохбекатга қарашли қарийб 3 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2 минг 700 тўлдан ортик манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Вокзал рўпарасидаги чуқурликда жойлашган 30 дан зиёд савдо дўконлари бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрнида чиройли, кўрган кўзни қувнатадиган хиббон ташкил этилди.

Шохбекат ҳудудига кираришдаги Шарқ ва Фарб меъморилик омухталашган устунлар ва арк, бино ичкарисига ўрнатилган ҳашаматли қандиллар, замонавий совитгич ускуналари, энг сўнгги русумдаги меҳмонларнинг кўнгли ярайди. Компьютер хонаси, кино-театр, она ва бола хонаси каби ўнлаб хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этилган. Хозирги вақтда темир йўл шох бекати орқали бир кеча-кундузда республикамиз шаҳарлари ва қўшни давлатларга қатновчи 18 йўналиш бўйлаб ҳаракатланадиган поездлар қабул қилиниб, жўнатиш имконияти яратилган. Бир суткада 1500 нафар йўловчи хизмат кўрсатишмоқда.

ди Султонбой Яқубов. — Бундан икки йил бурун Самарқандга келганимда бу темир йўл шохбекати кўримсиз, унинг атрофи анча қаровсиз ҳолатда эди. Самарқанднинг нуфузига муносиб бино барпо этилибди. Йўловчиларга кенг имкониятлар яратилди. Меҳмонхона, овқатла-

ниш, маиший хизмат кўрсатиш шохбечаларини айтмай-сизми. — Мен вокзалнинг бугунги кўриниши, шароитларини томоша қилиб, ҳайратландим, — дейди Ангор туманидан келган меҳмон Шавкат Сувонов. — Бу ердаги шароитлардан кўнгли ярайди.

СПОРТ — СПОРТ

Францияда кураш байрами

Францияда курашни янада оммалаштириш мақсадида мамлакат федерацияси томонидан 2007 йилда Президентимиз Ислам Каримов номидаги халқаро мусобақа ўтказилган ва унинг ташкилий ҳаётлари спорт мутаассадилари томонидан эътироф этилган.

Дастлабки мусобақада маълум тажриба тўплаган Франция кураш федерацияси бу анъанани давом эттириб, Бордо шаҳрида «Ўзбекистон Президенти кубоги» Гран-При халқаро мусобақасини ташкил этди. Унга француз тилида сўзлашувчи давлатлардан ҳам қатнашувчилар таклиф қилинди.



(Мусобақа якуни билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.)


Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси якунланди



Ханти-Мансийск (Россия)да 39-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси ўз ниҳоясига етди. Эраклар ўртасида кечган баҳсларда Украина, Россия ҳамда Исроил терма жамоалари кучли учликдан жой олган бўлса, Фарҳод Собиров бош мураббийлик қилган мамлакатимиз шоҳмот усталари 149 жамоа ўртасида 12 очко билан 49-ўринни банд этишди.

Хитойда ёшлар (U-19) ўртасида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ёшларимизнинг дастлабки ғалабаси



Унда Баҳрайн — Ўзбекистон, КХДР — Ироқ футболчилари ўзаро баҳс юртишадди.

«Шўртан» учинчи ўринда

Футбол бўйича олий лига жамоалари йигирма иккинчи турнинг марказий учрашувида «Насаф» футболчилари «Бунёдкор» жамоасига ютқазиб қўйди — 0:1.

дириб, чемпионат жадвалининг учинчи поғонасига кўтарилиб олишди. Хозир бу жамоалар ҳисобида бир хил — 37 тадан очко бор.

Колган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Пاختакор» — «Олмалик» — 2:0, «Металлург» — «Андижон» — 2:1, «Хоразм» — «Машъал» — 1:2, «Нефтчи» — «Қизилқум» — 4:2, «Локомотив» — «Динамо» — 2:2.

Бизнинг тарихимизда жаҳонга донг таратган улув мутафаккирлар ўтган экан, уларнинг қолдирган илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ.

Ислам КАРИМОВ

«Ўзбекистон — буюк алломалар юрти»

Лойиҳа, тажриба

Президентимизнинг юқоридаги сўзлари муқаддима қилиб олинган «Мутафаккирлар» илмий-оммабоп рисоалар туркуми I жилдининг тақдимот маросими ўтказилди. Биринчи жилддан Имом Доримий, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний ҳаёти ва фаолияти бағишланган алоҳида-алоҳида рисола-китоб жой олган.

бу рисоалар тўпламининг кейинги жилдлари қачон нашрдан чиқади?

— Мазкур рисоалар туркуми 40 жилддан иборат бўлишини, ҳар йили 4 та жилдини чоп этириб боришни режалаштирганмиз. Бу лойиҳа нашриётимиз ички имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилётгани учун чоп этилган рисоалар туркумига уч ой ичида китобхоналаримиз томонидан харид қилинишига умид бўлаётган бўлишимиз. Шу боис эркин савдога чиқарилган жилдлар қанчалик тез харид қилинса, улардан тушадиган маблағни кейинги жилдларни чоп этишга шунча тез йўналтириш имкониятига эга бўламиз.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Мутулаа байрами» доирасида бўлиб ўтган тақдимот маросимида олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари «Мутафаккирлар» туркумининг чоп этилиши маънавий-маърифий ҳаётига катта воқеа бўлганини эътироф этишгани ҳолда уларнинг мазмуни ва ададини янада ошириш бўйича қатор фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Кўпчилик бундай рисоалар туркуми ҳар бир кутубхонада бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, республикамизда 12 мингдан зиёд кутубхона (ахборот-ресурс маркази) бор. «Мутафаккирлар» илмий-оммабоп рисоалар туркуми 10 минг нусxada чоп этилди.

Асрор МҮМИН



Имом Бухорий халқаро Маркази «Тафаккур» нашриётининг қўшма лойиҳаси бўлган бу хайрли ҳамкорлик «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган камол топтиришга йўналтирилган ноширлик махсулотларини нашр этиш режаси доирасида амалга оширилди. Нашриёт томонидан тавсия қилинган мезон-меъёрга биноан халқаро марказ ходимлари мутафаккирларимиз ҳақида рисоалар ёзиб беришди. Матнлар кирилл ва лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида берилгани уларни катта авлод ҳам, ҳозирги ёшлар ҳам мутулаа қилишлари мумкин.

Шифохона янада кенгайди

Тиббиёт масканларида

Баркамол авлод йилида Шўрчи туман бирлашган шифохонаси янада кенгайтирилди. Унинг таркибига қирувчи қабул ва диагностика бўлимининг янгидан бунёд этилган бинолари фойдаланишга топширилди.



Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур бўлимин бунёд этишга қарийб 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Иншоотни «Одилшер» қурилиш корхонаси жамоаси қисқа муддат ичида битказди. Шунингдек, тумандаги тиббиёт муассасаларини капитал ре-

конструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида яна 1 миллиард сўмлик йомушларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affer HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 233-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 949
7710 nuxxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 00.55
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda